*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси*

# «ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

## Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ошкоралик масалалари комитети раиси Э. ВОҲИДОВ маърузаси

Ҳурматли халқ депутатлари!

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси узоқ баҳслар, тортишувлар сўнггида ниҳоят сизларнинг муҳокамангизга ҳавола қилинмоқда.

Оммавий ахборот ҳамма даврларда ҳам қудратли куч бўлган. Жамиятимиз улкан янгиланиш жараёнини бошдан кечираётган, умуминсоний, демократик ғоялар асосида янгича онг, янгича дунёқараш шаклланаётган бизнинг кунларда матбуотнинг роли, айниқса, буюкдир.

Биз бугун Олий Кенгаш сессиясига тақдим этаётган Қонун лойиҳаси ошкоралик ва демократия меваси бўлган матбуот эркинлигига ҳуқуқий асос бўлмоғи лозим. У барча даражадаги халқ депутатлари Советларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмалари, оммавий ҳаракатлар, ижодий уюшмалар, фуқароларнинг қонунга мувофиқ тузилган ширкатлари, диний ва ўзга бирлашмалари, меҳнат жамоаларига оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқини беради.

Оммавий ахборот воситасининг бирор турига якка ҳокимлик, яъни монополия қилишга, цензура қилишга йўл қўйилмайди.

Қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситаларига ижодий мустақиллик, журналистларга кенг эркинликлар берилган. Шу билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматлари ҳам қаттиқ ҳимоя қилинади. Эркинлик ҳамиша масъулият демакдир. Оммавий ахборотдек қудратли кучга берилган эркинлик, айниқса, катта масъулиятни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳамда кейинги йилларнинг тажрибасидан хулоса чиқариб, биз сизларга Иттифоқ Қонунидан бироз фарқ қилувчи Қонун лойиҳасини тақдим этмоқдамиз.

Аввало, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқи бизнинг лойиҳада якка шахсларга эмас, балки юқорида баён қилинганидек, давлат ва жамоат ташкилотларига, партиялар, уюшмалар, кооперативлар ва ҳоказо бирлашмаларга берилади. Биз бу хусусда мутасадди идораларнинг фикр ва мулоҳазаларини эътиборга олдик. Лекин келажакда ҳаёт бу моддага ўз тузатишларини киритар.

Биз, шунингдек, лойиҳада чет эл мухбирлари қаторида Иттифоқ ҳамда иттифоқдош жумҳуриятлар оммавий ахборот воситалари вакилларини Ўзбекистонда аккредитация қилиш қоидасини белгиладик. Бу тадбир жумҳурият Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамаси ёки шу Маҳкама белгилаган бошқа давлат органи томонидан амалга оширилади.

Ушбу модда жумҳуриятимиз шаънига, халқимиз шаънига ошкора бўҳтон ёғдираётган айрим мухбирларнинг ваколатини бекор қилиш имкониятини беради.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олувчи ташкилотга ҳам Қонун лойиҳасида кенгроқ ҳуқуқ белгиланди. Яъни рўйхатга олишда шарт деб саналган маълумотлардан ташқари қонун доирасида айрим маълумотлар сўраш, моддий-техникавий таъминланганлик учун ҳужжат талаб қилиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини ҳуқуқий экспертиза қилиш ҳуқуқи ёзиб қўйилди. Айни вақтда рўйхатга олувчи ташкилот, яъни Матбуот давлат комитети оммавий ахборот воситаларига ёрдам кўрсатиши кераклиги ҳам таъкидланди.

Ушбу лойиҳада ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатганлик учун оммавий ахборот воситасининг жавобгарлиги ҳам анча кучайтирилган.

Қўлингиздаги Қонун лойиҳасида биз киритган яна бир янгилик — телевидение ва радионинг ёзув хазинаси билан боғлиқ. Шундай кўрсатув ва эшиттиришлар борки, уларни узоқ йиллар, балки асрлар бўйи сақлаб қўйиш, авлодларга етказиш керак. Минг афсуслар бўлсинки, баъзан моддий-техникавий қашшоқлигимиз туфайли, баъзан масъул кишиларнинг бепарволиги натижасида тарихий аҳамиятга эга бўлган телевизион ёзувлар ўчириб юборилади. Маданиятимизнинг улуғ арбоблари ҳаёти билан боғлиқ бўлган, жумҳуриятимизнинг тарихий воқеаларига таалуқли бўлган жуда кўп ноёб кадрлар сақлаб қолинмаган. Баъзан кино лентапаридан бир неча грамм кумуш олиш мақсадида олтиндан қиммат ёзувлар ёндирилади. Биз бундай ҳолга бепарво қараб турмаслигимиз керак. Шунинг учун ушбу Қонун лойиҳасига шундай сўзлар ёзилган: «Ҳозирги замон нуқтаи назаридан ва тарихий жиҳатдан муҳим деб топилган материаллар доимий сақланиши керак».

Қолган ўринларда ушбу лойиҳа Иттифоқ Қонунига асосан мос келади.

Ҳурматли депутатлар!

Энди қўлингиздаги оммавий ахборот воситалари ҳақидаги Қонун лойиҳасининг биринчи саҳифасини очишингизни сўрайман.

Иккинчи модда шундай сўзлар билан бошланиши керак. «Ўзбекистон ССРда барча оммавий ахборот воситалари эркиндир».

Шу модданинг охирига: «Оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди» деб ёзилиши керак.

2-саҳифа. 4-модда — оммавий ахборот воситаларининг тили 3-модда деб ҳисобланиши ва 1-саҳифадаги «Сўз эркинлигини суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги» — 4-модда деб ҳисобланиши керак.

5-модда охирига шундай жумла ёзилади: «Оммавий ахборот воситаларининг бирор турига якка ҳокимлик қилишга йўл қўйилмайди».

6-модда. Иккинчи хат боши, учинчи сатр: «Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўядиган давлат бошқарув идораси» ўрнига «Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитети» деб ёзилади.

7- ва 8-моддаларнинг ўрни алмаштирилади. 7-модданинг 5-рақамли пункти «ҳажми» сўзидан кейин «моддий-техникавий» сўзи ёзилади. Шу модда, пастдан 4-сатр — «Рўйхатга олиш чоғида» сўзларидан кейин «қонунга зид бўлмаган» сўзлари ёзилади.

9-модданинг 2-абзаци, яъни 1-рақамли пунктида «Ўзбекистон ССР Конституциясига» сўзидан кейин «Мустақиллик тўғрисидаги декларацияси ҳамда» сўзлари киритилади.

11-модда. 1-абзац сўнгидаги «суд мулкий низоларни амалдаги қонунлар асосида кўриб чиқади» деган сўзлар иккинчи абзац охирига кўчирилади.

14-модда. 4-абзац «оммавий ахборот воситаларининг» деган сўзларидан кейин «нашр» сўзи қўшилади.

17-модда. Охирдан иккинчи сатр «Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларига» деган сўзлар «таҳририят белгилаган тартибга» деб ўзгартирилади.

19-модда. 2-абзац «Таҳририят, суд ва давлат ҳакамлиги» сўзларидан «ва давлат ҳакамлиги» сўзлари тушириб қолдирилади.

22-модданинг сарлавҳаси «Раддия ва жавоб ҳуқуқи» деб ўзгартирилади.

Шу модданинг иккинчи абзаци қилиб шундай жумла ёзилади:

«Оммавий ахборот воситасида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари поймол қилинган фуқаро ёки ташкилот ўша оммавий ахборот воситасида жавоб эълон қилишга ҳақли. Раддия ёки жавоб ана шу жавобга сабаб бўлган мақола босилган айни саҳифада айни ҳарфлар билан раддия ёки жавоб келган кундан бошлаб бир ой муддат ичида эълон қилинади.

Жавоб матнини таҳрир қилишга йўл қўйилмайди».

25-модда. 8-пункт «писанда қилб қўйиш» «шарт қилиб қўйиш» деб ўзгартирилади.

27-модда шундай таҳрирда баён этилади: «Совет Иттифоқи, иттифоқдош жумҳуриятлар ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон ССР Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамаси ёки шу Маҳкама топшириғига кўра бошқа давлат ташкилоти рухсати билан аккредитация қилиниши мумкин. Оммавий ахборот воситалари давлат идоралари ҳамда жамоат бирлашмаларининг идоралари билан келишиб, уларнинг ҳузурига ўз мухбирларини вакил қилиб тайинлашлари мумкин. Мухбир аккредитация қилинган органлар ўз мажлислари, йиғинлари ҳақида уни аввалдан огоҳлантириши, стенограммалар, протоколлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлаши лозим».

28-модда 1-абзацидан сўнг шундай сўзлар ёзиб қўйилади:

«Белгиланган қоидага кўра, рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг эълон этилган мақсад ва вазифаларини адо этишини таъминлаш мақсадида уларни рўйхатга олувчи органлар давлат ҳуқуқ экспертизасини ўтказиб туриши, касбкорлик ёрдамини кўрсатиши, ахборот билан таъминлаши лозим».

Ҳурматли халқ депутатлари!

Ушбу ўзгартишлар билан оммавий ахборот воситалари ҳақида Ўзбекистон ССРнинг Қонуни лойиҳасини қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

# «ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

## Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият масалалари комитети раиси П. Қ. Қодировнинг маърузаси

Олий Кенгашимиз Президент ҳокимияти билан биргаликда Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган ҳуқуқий давлат тузиш мақсади сари дастлабки қадамларни қўйяпти. Жаҳоннинг илғор мамлакатларида қарор топган ҳуқуқий давлатлар ўз халқларининг фаровон, эмин-эркин яшашига имкон бериши билан гоҳо ҳавасимизни келтиради.

Одамзоднинг кўп минг йиллик тажрибаси шуни исбот қилдики, алоҳида фуқароларга мулк эркинлиги, фаолият эркинлиги, сўз эркинлиги, виждон эркинлиги каби катта ҳуқуқлар берилиши — ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий шартларидир. Томчилардан дарёлар пайдо бўлгани каби алоҳида фуқароларга берилган ҳуқуқлар ҳаммаси йиғилиб, ҳуқуқий давлат биноси қад кўтаради.

Бундай давлат халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини худди табиий мавжудотдек, иқлимдек ҳисобга олиб иш юритади. Иқлим алоҳида одамнинг идорасига бўйсунмайди. Вазирми, оддий фуқароми — иқлим олдида улар баробар, иккови ҳам қишда қишчасига, ёзда ёзга мос яшашга мажбур. Ҳуқуқий давлат чиқарадиган қонунларни ҳам худди иқлим каби барча баробар тан олиши керак.

Бултурдан бери бизда қабул қилинган Ер, Мулкчилик, Тадбиркорлик ҳақидаги қонунлар кўпроқ халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилди. Бу табиий ҳол, чунки иқтисод, моддий ҳаёт-бирламчи. Ҳуқуқ-тартиботни яхшилашга қаратилган қонунларимиз ҳам ўткир ҳаётий заруратга жавобан яратилди.

Энди мана бугунги сессияда маънавият масалаларига, жумладан, виждон эркинлигига ҳам махсус эътибор бериб, шу ҳақда яхши қонун қабул қилсак, Ўзбекистонда чинакам ҳуқуқий давлат тузиш мақсадига яна бир қадам яқинлашган бўламиз.

Чунки инсон учун ташқи оламни обод ва кўркам қилиш қанчалик муҳим бўлса, одамнинг руҳий дунёсини обод ва кўркам қилиш шунчалик муҳимдир. Ташқи оламда қанча фаровонлик ва адолатли қонунлар яратмайлик, агар одамнинг руҳий дунёсида шу фаровонликни астойдил қадрлайдиган, адолатни тан оладиган, қонунларга сўзсиз риоя қиладиган виждон ва имон, инсоф ва интизом бўлмаса, энг яхши қонунлар ҳам жарга оққан обиҳаётдек самарасиз кетади.

Дарвоқе, сўнгги вақтда, айниқса, Иттифоқ миқёсида қабул қилинган кўпгина яхши қонунларимизнинг ишламаётганига, нуқул қоғозда қолиб кетаётганига сабаб бўлаётган энг ёмон иллатлардан бири — виждонини йўқотган, худони ҳам, қонунни ҳам тан олмайдиган, ўз нафси-ю роҳатидан бошқа ҳамма нарсани унутган одамларнинг кўпайиб қолганлигидир. Бу маънавий иллатдан тезроқ қутулиш учун биз виждонни, инсофу эътиқодни қадрлашимиз, инсоннинг руҳий дунёсини обод қилишимиз керак.

Муҳтарам депутатлар!

Бугун сизларнинг муҳокамангизга қўйилаётган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги Қонун лойиҳаси ҳозир айтиб ўтилган долзарб ҳаётий эҳтиёжларга жавобан тузилгандир. Бу қонун лойиҳасини тузишга Олий Кенгашимиз қўмиталари билан бирга Президент девонининг миллатлараро муносабатлар бўлими қошида динлар масаласи билан шуғулланаётган ижтимоий кенгаш аъзолари жуда катта ҳисса қўшдилар. Лойиҳани тайёрлаш жараёнида муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари, православ динининг Тошкентдаги пешвоси муҳтарам архиепископ Владимир қаторида иудаистлар, баптистлар ва адвентистлар қимматли маслаҳатлар бердилар. Муҳокамаларда айтилган фойдали фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, лойиҳани қайта ишлаш ва такомиллаштиришда қўмитамиз депутатлари билан бирга олимлар ва диншунос, қонуншунос мутахассисларнинг кўп меҳнатлари сингди.

Қонун лойиҳаси устида ойлар давомида иш олиб борилган бўлса ҳам, биз уни бенуқсон деёлмаймиз. Сессияда айтиладиган фикр-мулоҳазалар лойиҳани яна бойитади ва уни чинакам қонун даражасига етказишга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Қонун лойиҳаси барча депутатларга тарқатилган. Унинг алоҳида боб ва моддаларини батафсил изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Фақат уларнинг маъно ва мақсадини чуқурроқ тушунишга ёрдам берадиган бир қанча муҳим нуқталарга эътиборингизни тортмоқчиман.

Аввало, «виждон эркинлиги» деганда биз нималарни назарда тутамиз? Инсоннинг руҳий дунёсида виждон марказий ўринни эгаллайди. Виждоннинг табиий асоси бор — бу хотира. Хотира эса бизни ташқи олам билан боғлаб туради ва инсон ифодасига бўйсунмай мустақил ишлайди. Дейлик, бирон хато иш қилиб қўйсангиз ёки нохуш ҳодисани бошдан кечирсангиз, уларни эсламасликка интиласиз, аммо хотира сизга бўйсунмай ишлайверади, ўша хатоликни сизга муттасил эслатиб туради. Виждон азоби ҳам хотиранинг сизга бўйсунмай адолат овозига айланиб ишлаб туришидан келиб чиқади.

Хуллас, виждон хотира орқали бизга ҳақиқат ва адолатни табиий тарзда кўрсатиб турадиган олий бир руҳий фазилатдир. Шу сабабли виждондек қудратли инсоний фазилатга эрк бериш — умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ва дунё миқёсида махсус қонунга муносиб кўрилган жуда улкан вазифадир.

Бу қонун виждонсизликнинг йўлини тўсиб, виждоний имону эътиқодга эрк беради, яъни бу қонун чин виждонга асосланган имону эътиқодларни қўллаб-қувватлайди.

Албатта, имону эътиқодлар турли одамларда турлича — диний ёки дунёвий шаклларда намоён бўлади. Биз барча самимий эътиқодларни динийлиги ёки дунёвийлигидан қатъий назар, баббаравар тан оламиз, тенг деб биламиз ва уларнинг ҳар бирини ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қиламиз. Бир вақтлар ҳажга бориш ёки диний ҳайит ўтказиш таъқиқланган эди. Мана, бу йил Ўзбекистондан мингдан зиёд одам ҳажга бориши учун шароит яратилди. Ийди рамазон ҳам биринчи марта байрам қилинди.

Маъмурий-буйруқбозлик даврларида диний адабиётларни чоп этиш, тарқатиш, диний мактаблар очиш ҳам таъқиқланган эди. Ҳозир бундай таъқиқларнинг ҳаммаси инсон ҳуқуқларини асоссиз равишда чеклайдиган жоҳиллик сифатида йўлимиздан олиб ташланди.

Сизга тақдим этилган Қонун лойиҳаси, аввало, Ўзбекистоннинг миллий ўзига хослиги, унинг Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда Қорақалпоғистон Конституцияси ва қонун ҳужжатларига асосланиб тузилган. Шу билан бирга лойиҳада жаҳон халқларининг виждон эркинлигига оид ижобий тажрибалари ҳам, СССР Олий Кенгаши қабул қилган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги Қонун ҳам Ўзбекистоннинг муайян миллий ва тарихий шароитига ижодий татбиқ этиш нуқтаи назаридан ҳисобга олинган.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолияти борасида кишиларимизни тўлқинлантириб келган энг муҳим муаммолар ушбу Қонун лойиҳасининг олти бобида, ўттиз моддасида атрофлича қамраб олинган ва уларни ҳал этишнинг қонуний йўллари белгилаб берилган. Маълумки, турли динлар ва мазҳаблар орасидаги низолар, айни вақтда, диний ва дунёвий эътиқодлар орасидаги тўқнашувлар асрлар давомида жуда кўп нотинчликларга сабаб бўлди. Бу низо ва тўқнашувлар ҳатто ҳозир ҳам дунёнинг турли жойларида беҳуда қон тўкилишига сабаб бўлмоқда. Қонун лойиҳаси тарихнинг ана шу аччиқ сабоқларини ҳисобга олиб, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятини биринчи навбатда тинчликни таъминлашга, турли эътиқодлар ва динлар орасидаги тенглик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга йўналтиради.

Шу мақсадда Қонуннинг биринчи бобидан тортиб то охирги моддаларигача ҳамма жойда динга эътиқод қилиш эркинлигини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, барча фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи ва ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан биргаликда амалга ошириш кўзда тутилади.

Айниқса, диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилиши уларнинг ўз соҳаларида тинч ва мустақил иш олиб боришларини таъминлайди. Диний ташкилотларнинг сиёсий партиялар фаолиятига қатнашмаслиги уларнинг инсон руҳига ва виждон эркинлигига оид вазифаларини астойдил ва ҳалол бажаришларига имкон яратади. Қонун диний мактаблар ва олийгоҳлар очиш, диний жамоалар, марказлар, бошқармалар тузиш, динга хизмат қилувчи мулкларга, ҳатто корхоналарга ва диний адабиётлар нашр этадиган матбаага эга бўлиш каби жуда хилма-хил ва улкан ҳуқуқлар беради. Айни вақтда, бу ҳуқуқлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш йўллари, уларни давлат ва халқ манфаатларига қарши қўймаслик шартлари ҳам қонунда қатъий белгиланади.

Юқорида айтганимиздек, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолияти инсоннинг руҳий оламини тартибга солиш ва такомиллаштириш каби ўта нозик, ўта масъулиятли мақсадларга хизмат қилади. Тарих ҳам, бугунги ҳаёт ҳам шуни кўрсатмоқдаки, одамларимизнинг руҳий дунёсида тартиб ўрнатмагунимизча ташқи дунёда тартиб ўрнатиб бўлмайди.

Дунёга доңғи кетган жаҳонгирлардан бири айтган экан, «Агар мен ўзимнинг руҳий дунёмни яхши идора этолганимда, бутун дунёни идора этишга кучим етган бўларди». Бу гапда жон бор: инсон жамият ва мамлакатни яхши идора этиш учун аввал ўз руҳий дунёсини яхши идора этишга ўрганмоғи керак.

Қабул қилган қонунларимиз одамларнинг дилидан ўрин олиб, улар томонидан сўзсиз адо этилиши учун фуқаролар дилини виждон эркинлиги ва эътиқод кучи билан парвариш қилишимиз керак. Ўн йиллар давомида бундай парвариш бўлмаганлиги сабабли маънавиятимиз таназзулга учради, энди бу руҳий парваришни кечиктириб бўлмайди. Шунинг учун ушбу Қонун лойиҳасини тезроқ меъёрига етказиб қабул қилиш ва тезроқ жорий этиш сиз билан биз каби халқ депутатларининг виждоний бурчимиздир.

# «ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ МАНДАТ КОМИССИЯСИ ВА КОМИТЕТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

## Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси раиси Ш. М. МИРЗИЁЕВ маърузаси

Ҳурматли халқ депутатлари!

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши мандат комиссияси ва комитетлари тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилмоқда. Лойиҳани муҳокама қилиш ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иш бошлаганига 1 йил тўлган паллага тўғри келди. Олий Советнинг бутун фаолияти дастлабки кунларданоқ тамомила янгича асосда олиб борилди.

Демократик йўл билан сайланган Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўта кескин ва муҳим масалаларни ҳал этишга киришди. Олий Кенгаш бир қатор зарур қарорлар қабул қилди, улар бозор иқтисодиётига ўтилишини ва бу ҳол одамлар манфаати жамоатчилик диққат марказида бўлишини келтириб чиқарган республикамиздаги қайта қуриш жараёнларига сезиларли таъсир этди.

Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши, республикамизда биринчи бўлиб президентлик ҳокимиятининг таъсис этилиши, янги бошқарув структураларининг тузилиши йилнинг энг муҳим воқеалари бўлди. Шу давр мобайнида 23 та қонун қабул қилинди. Уларнинг ҳар бири фуқаролик жамиятини, ҳуқуқий давлат асосини шакллантириш йўлидаги муҳим босқич бўлди.

Ана шу ишларнинг барчасида, айниқса, қонунчилик ишларида, Олий Кенгаш сессияларини тайёрлашда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қўмиталарининг роли беқиёсдир. Эсингизда бўлса, бир йил аввал Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг бир қисми Олий Кенгашда ишлашлари тўғрисида қарор қабул қилган эдик. Ана шу қарор тўғри эканлиги бугун исботланди.

Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари давлат ишини идора этиш борасида анча тажриба тўпладилар, уларнинг ишчанлик қобилияти сезиларли даражада ошди, Олий Кенгаш қўмиталарининг Ўзбекистон ССР ҳукумати, вазирликлар, идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан ўзаро муносабатлари яхши йўлга қўйилди.

Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда мандат комиссияси ва комитетлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси Олий Кенгашга ўз вақтида тақдим этилмоқда, деган хулоса чиқариш мумкин. Бу Қонун ўтган давр мобайнида қўмиталар амалга оширган ишларни умумлаштириши, уларнинг келгусидаги фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиши зарур.

Ушбу Қонун лойиҳаси мандат комиссияси ва қўмиталар фаолиятини умумий тарзда тартибга солиши керак бўлган Ўзбекистон ССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР Олий Совети иш тартибининг қоидаларини ривожлантиради ва чуқурлаштиради.

Қонун лойиҳаси илмий-тадқиқот ташкилотларида, вазирликлар ва идораларда ҳар томонлама синовдан ўтди. Республика ҳукуматининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг лойиҳага оид хулосалари олинди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қўмиталарида у катта қизиқиш билан муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида уни яхшилашга қаратилган қатор таклиф ва мулоҳазалар киритилди. Сизларга тарқатилган ҳужжат анча ихчам шаклга келди, ундан иккинчи даражали қатор моддалар чиқариб ташланди. Эндиликда комиссия ва қўмиталарнинг ваколатлари, улар ишини тартибга солиб турувчи Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг ваколатлари аниқ ва лўнда тарзда кўрсатиб берилган. Комиссия ҳамда қўмиталарнинг ижроия-бошқарув идоралари билан, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг доимий комиссиялари билан ўзаро муносабатлари аниқ тартибга солинган.

Қонун лойиҳасининг муҳокамасида иштирок этган айрим ўртоқлар уни умуман қўллаб-қувватлаган ҳолда мандат комиссияси ва қўмиталар фаолиятига оид масалаларни қонун йўли билан тартибга солиш зарур эмас, деган фикрни билдирадилар.

Шу муносабат билан қуйидаги фикрни билдирмоқчиман: республика давлат ҳокимияти олий органи бўлмиш мандат комиссияси ва қўмиталарнинг ҳуқуқий мақомини айнан қонун ва фақат қонун мустаҳкам тарзда ҳимоя қила олиши мумкин. Қолаверса, масаланинг бошқа жиҳатларини ҳам унутмаслик лозим: мандат комиссияси ва қўмиталар тўғрисидаги Қонун агар қабул қилинса, барча давлат идоралари ва мансабдор шахслар унда қайд этилган ҳамма қоидаларни бажаришга мажбур бўладилар, турли идоравий ҳамда ўзгача тарздаги қонунга оид ҳужжатларни қабул қилиш йўли билан депутатлар уюшмаларининг ҳуқуқларини камситишга уринишлар бекор бўлиб қолади.

Қонун лойиҳаси бешта бўлим ва 76 та моддадан иборатдир. Лойиҳа барчангизга тарқатилган, шу сабабли унинг энг муҳим қоидалари хусусидагина тўхталиб ўтмоқчиман.

Қонун лойиҳасининг биринчи бўлимида мандат комиссияси ва қўмиталарнинг асосий вазифалари белгиланган. Бу вазифалар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг ваколат доирасидан келиб чиқади. Мандат комиссияси ва қўмиталарни тузиш қоидалари аниқ тартибга солинган. Бу тартиб анча демократик кўринишдадир. Чунки тузилаётган қўмиталарнинг миқдори, унинг номланиши, қўмита аъзоларининг сони ва шахсий таркибига оид барча масалалар Олий Кенгаш ихтиёрида бўлади. Айни пайтнинг ўзида Олий Кенгаш исталган пайтда ушбу масалалар бўйича ўзи чиқарган қарорга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиши мумкин.

Қонун лойиҳасида мандат комиссияси ва қўмиталар фаолиятининг асосий йўналишлари батафсил баён этиб берилган. Улар иш юритишнинг усул ва услубларини ўзлари белгилайдилар, ошкоралик ва кенг ташаббускорлик асосида фаолият кўрсатадилар.

Комиссиялар ва қўмиталарнинг фаолиятида таркиб топган демократик тажриба тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон ССР бюджетини, йирик инвестиция дастурларини тасдиқлаш, ҳукуматни тузиш масалалари фақат комиссиялар ҳамда қўмиталарнинг тегишли хулосалари мавжуд бўлган тақдирдагина Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан ҳал этилиши назарда тутилади. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қўмиталари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — қонунчиликдир.

Қонун лойиҳасида комиссиялар ва қўмиталар томонидан юқорида таъкидлаб ўтилган барча масалаларнинг изчиллиги ва ҳал этилиши қоидалари аниқ тартибга солингандир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу масалаларнинг барчаси Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши учун ҳам, бутун халқ учун ҳам биринчи даражадаги масалалардир.

Давлат идоралари фаолиятидаги демократия — бу процедуралар, яъни турли тартиб-қоидалардир, деган ибора бор. Бинобарин, турғунлик даврининг мафкуравий мезонидан воз кечилиши мамлакатимизда том маънода қонунлар тўфонига олиб келганлиги ҳам бежиз эмас. Шу сабабли, бизнинг назаримизда, мандат комиссияси ҳамда қўмиталар фаолиятига оид тартиб-қоидаларнинг қонунлаштириб олиниши — қонунчиликка риоя этилишининг, берилган ваколатларни имкони борича тўлароқ рўёбга чиқаришнинг энг ишончли кафолати бўла олади. Шу сабабли ҳам биз қонундаги ана шу тартиб-қоидаларнинг бирма-бир таъкидлаб ўтилишига қарши бўлган депутатларнинг фикрига қўшила олмаймиз.

Мандат комиссияси ва қўмиталарга берилган ҳуқуқлар қанчалик кенг эканлигини қуйидаги ҳоллардан ҳам билиш мумкин: улар бошқа ҳуқуқлар билан бирга қонун таклиф этиш ташаббуси билан чиқиш, Ўзбекистон ССР Президентига, Олий Кенгаш Раисига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши тузадиган ёки сайлаб қўядиган бошқа идораларнинг раҳбарларига, шунингдек, ўзга идораларнинг раҳбарларига сўров бериш, Ўзбекистон ССР ҳукуматига таклифлар билан кириш ҳуқуқларига, бошқа бир қатор муҳим ваколатларга эгадирлар.

Қонун лойиҳасида мандат комиссияси ва қўмиталар ишини ташкил этиш, уларнинг ўзаро муносабатларига оид тартиблар батафсил баён этилади. Мандат комиссияси ва қўмиталар раисларининг, раис ўринбосарларининг, котибларнинг вазифалари белгиланади.

Олий Кенгаш фаолиятида қўмиталарнинг аҳамияти тобора ўсиб боришини, яқин келажакда улар олдида муҳим вазифалар туришини ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасида қўмиталарнинг раислари ўз вазифаларини асосий ишларидан бўшаган ҳолда бажаришлари назарда тутилган. Қўмита раиси вазифасини корхона, муассаса, ташкилотдаги пул тўланадиган лавозим билан қўшиб олиб бориш эса таъқиқланади.

Лойиҳада комиссия ва қўмиталарнинг муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилиши кўзда тутилган. Қарор тавсиянома руҳида бўлади. Бу эса мандат комиссияси ва қўмиталар муайян масалаларни ҳал этиб, Олий Кенгаш ёки давлат бошқарув идоралари ишини бажаришни инкор этади. Айни пайтнинг ўзида лойиҳада шундай талаб ҳам қўйилади: Ўзбекистон ССР ҳукуматига, вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасаларга юборилган ҳар бир тавсиянома, албатта, кўриб чиқилиши керак ва кўриб чиқиш натижалари ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида белгиланган муддатдан кечиктирмай мандат комиссияси ва қўмитага маълум қилиниши шарт.

Давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотларнинг вакиллари комиссия ёки қўмиталарнинг таклифига биноан уларнинг мажлисларига келишлари ҳамда кўриб чиқилаётган масалага оид барча зарур тушунтиришларни тақдим этишлари шартлиги қонун лойиҳасида қайд этилган. Нотўғри ахборот берганликлари ёки комиссия ҳамда қўмиталарга зарур материалларни ўз вақтида тақдим этмаганликлари учун раҳбарлар Қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ҳурматли халқ депутатлари! «Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мандат комиссияси ва қўмиталари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини сизнинг муҳокамангизга тақдим этар эканмиз, унинг қабул қилиниши нафақат депутатлар уюшмасининг фаолиятини, балки умуман Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг фаолиятини яхшилаш йўлида муҳим қадам бўлиб қолади, деб ўйлаймиз.

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎРТОҚ Б. МАХСИТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ АЪЗОСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Баҳодир Махситов ўз розилиги билан бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси**
**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН ССР БАЪЗИ ВИЛОЯТЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДЛАРИНИНГ ТАРКИБИДАГИ АЙРИМ ЎЗГАРТИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўртоқ Рустамов Низом Шокирович ўз розилиги билан бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент шаҳар судининг аъзоси ва мазкур суд раёсатининг аъзоси вазифаларидан озод қилинсин.

2. Бобоназаров Баҳрон — Қашқадарё вилоят судининг аъзоси;

Мухторов Муҳаммад — Бухоро вилоят судининг аъзоси;

Премқулов Рустамжон Раҳматуллаевич — Тошкент шаҳар судининг аъзоси;

Умматов Қаҳрамон Кенгашевич — Жиззах вилоят судининг аъзоси;

Ҳамидов Собиржон — Бухоро вилоят судининг аъзоси вазифасидан озод қилиниб, Фарғона вилоят судининг аъзоси этиб сайлансинлар.

3. Алмаматов Холмўмин — Жиззах вилоят суди раёсатининг аъзоси;

Саидов Карим Усмонович — Тошкент шаҳар суди раёсатининг аъзоси;

Турсунов Маърипжон — Андижон вилоят суди раёсатининг аъзоси этиб тасдиқлансинлар.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси**
**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

